

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОРАМОЛ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.С.Жолдасов – мустақил тадқиқотчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: чорвачилик тармоғи, йирик шохли қорамоллар, ер фонди, яйлов фонди, худудий тафовут.

Ключевые слова: животноводческая сеть, крупный рогатый скот, земельный фонд, пастбищный фонд, региональные различия.

Key words: livestock, large-horned cattle, land fund, pasture fund, territorial difference.

Чорвачилик. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда энг устувор йўналишлардан биридир. Чунки, сўнгги йилларда минтақада юз бераётган сув танқислиги кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Республикада чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун кенг яйлов фонди мавжуд. Шунингдек, маҳаллий аҳоли тарихан бой чорвачилик тажрибаларига эга бўлиб, яйловларда азалдан ушбу тармоқ билан кенг шуғулланиб келишган [2].

Қорақалпоғистонда қорамолчилик билан қадимдан аҳолини сут, гўшт ва тери билан таъминлаш мақсадида кенг шуғулланилган чорвачилик соҳаларидан биридир. Гўшт ва сут йўналиши қорамол чорвачилиги гўшт ва жун йўналишидаги яйлов чорвачилигидан фарқли томони у асосан шаҳар атрофи ёки кишлоқ хўжалигининг экин экиладиган минтақаларида

жойлашган. Шу боис, гўшт ва сут йўналишидаги шаҳар атрофи чорвачилигининг ривожланиши экин майдонлари билан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқдир.

Статистик маълумотларга кўра, йирик шохли қорамолларнинг бош сони 2000-2022 йилларда 379,8 мингдан 1175,9 минг бошга, яъни 3,1 баробарга кўпайган. Унинг ўртача йиллик ўсиш даражаси 9,5 фоизни ташкил қилди. Бу яхши кўрсаткич, албатта. Лекин, унинг таҳлили натижалари ушбу кўрсаткичнинг ҳам даврий, ҳам худудий тафовутларга эга эканлигини кўрсатади. Масалан, бундай турдаги чорва молларининг бош сони 2000-2010 йилларда 188,5 фоизга, 2010-2020 йилларда эса 155,2 фоизга кўпайган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, сўнгги йилларда йирик шохли қорамоллар бош сонининг ўсиш даражаси сезиларли даражада камайган.

**1-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий бирликлари бўйича
йирик шохли қорамоллар бош сонининг динамикаси, (минг бош)**

№	Маъмурий бирликлар	2000	2005	2010	2015	2020	2022
1	Амударё	46,2	51,6	88,8	106,3	155,2	165,8
3	Беруний	45,7	57,0	91,0	111,9	153,4	161,1
4	Бўзатов	21,6	-	-	-	-	37,9
5	Қораўзак	16,8	17,5	24,9	28,5	37,9	38,9
6	Кегейли	18,1	38,8	61,6	70,0	79,5	53,7
7	Қўнғирот	25,7	27,5	44,3	51,4	65,5	68,9
8	Қонликўл	15,4	14,8	22,2	27,6	33,3	34,8
9	Мўйноқ	10,5	9,9	14,7	19,4	27,5	29,3
10	Нукус	13,0	17,7	26,5	30,6	37,5	39,2
11	Тахياتош	3,1	4,2	6,3	-	22,8	24,5
12	Тахтақўпир	13,0	14,1	22,4	33,9	43,3	45,1
13	Тўрткўл	41,2	43,3	75,4	104,9	128,3	133,7
14	Хўжайли	26,8	27,5	48,6	64,1	55,6	58,2
15	Чимбой	25,5	33,3	47,4	56,9	77,0	81,0
16	Шўманай	15,8	29,8	50,2	59,5	60,9	64,5
17	Элликқалъа	38,9	46,0	83,1	97,3	123,3	130,1
18	Нукус шаҳри	2,6	4,7	8,3	9,2	9,6	9,1
Республика бўйича жами:		379,8	437,7	715,8	871,7	1110,6	1175,9

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Йирик шохли қорамолларнинг бош сони Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида нисбатан кўп. 2022 йили ушбу туманларга республикадаги жами йирик шохли қорамолларнинг 50,2 фоизи тўғри келган ва бу кўрсаткич 2000 йили 45,3 фоизга тенг бўлган. Бундай турдаги чорва молларининг улуши Мўйноқ ва Тахياتош туманларида бошқа туманларга нисбатан кам (уларнинг ҳар бирида 2,5 фоиздан кам). Бундан маълум буладики, йирик шохли қорамолларнинг асосий қисми

жанубий туманларга тўғри келади.

Тадқиқот даврида йирик шохли қорамолларнинг динамикаси худудий жиҳатдан, яъни кишлоқ туманлари бўйича ҳам катта тафовутларга эга бўлди. Жумладан, 2000-2022 йиллар мобайнида бундай турдаги чорва моллари бош сонининг ўсиши бўйича республика маъмурий бирликларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси кишлоқ туманларини
йирик шохли қорамоллар бош сонининг ўсиш даражаси бўйича гуруҳлаштирилиши**

Гуруҳлар ва маъмурий бирликлар	Ўсиш даражаси, (баробар)	Қорамоллар улуши, (фоиз)		Худуд улуши, (фоиз)	Экин ерлар улуши, (фоиз)
		2000	2022		
Тахياتош, Шўманай	4,0 дан юқори	4,8	9,0	0,6	8,0
Амударё, Беруний, Нукус, Тахтақўпир, Тўртқўл, Чимбой, Эллиқалъа ва Нукус шаҳри	3,0-3,9	50,9	53,5	25,0	50,9
Бўзатов, Кегейли, Қонлиқўл, Қораўзак, Қўнғирот, Мўйноқ, Хўжайли	2,9 дан кам	44,4	37,6	74,4	41,1

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистик бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Биринчи гуруҳ таркибига кирувчи кишлоқ туманларида 2000-2022 йилларда йирик шохли қорамолларнинг бош сони 4 баробарга кўпайган ва унинг республикадаги улуши эса 4,8 фоиздан 9,0 фоизга ўсган. Ушбу гуруҳ туманларига республика худудининг 0,6 фоизи, экин ерларининг эса 8,0 фоизи тўғри келади. Тадқиқ этилаётган даврда чорва моллари бош сонининг ўсиш даражасини кишлоқ туманлари миқёсида кўрсак, Тахياتош туманида деярли 8 баробар ҳамда Шуманай туманида 4 баробардан кўп ўсган. Ушбу кўрсаткичларнинг бундай бўлишига объектив сабаблар мавжуд. Масалан, бу даврда маъмурий-худудий ўзгаришлар содир бўлиб, ҳар иккала туман таркибига Хўжайли туманидан маълум миқдорда ерлар кўшиб берилган.

Иккинчи гуруҳ туманларига республика худудининг 25,0 фоизи, экин ерларининг эса 50,9 фоизи тўғри келади. Кўрилатган даврда ушбу гуруҳда йирик шохли қорамолларнинг бош сони 3,0 дан 3,9 баробарга кўпайган ва унинг республикадаги улуши 50,9 фоиздан 53,5 фоизга ўсган. Географик жойлашган ўрнига кўра, улар асосан жанубий, қисман марказий ва шимолий туманлардан ташкил топган.

Учинчи гуруҳ туманларга республика худудининг 74,4 фоизи, экин майдонларининг эса 41,1 фоизи тўғри келади. Ушбу гуруҳда 2000-2022 йилларда йирик шохли қорамоллар бош сонининг ўсиши 2,9 баробардан кам бўлган. Ўсиш суръатининг паст бўлишига боғлиқ бу турдаги қорамолларнинг республикадаги улуши 44,4 фоиздан 37,6 фоизга камайган. Ушбу гуруҳда

истикболда чорвачилик тармоғини ривожлантириш ниҳоятда аҳамиятли бўлган шимолий туманлар мавжуд.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Қорақалпоғистонда кишлоқ туманлари ўзининг эгаллаган майдони, аҳоли ва чорва моллари сони, экин ва яйлов майдонлари ҳамда бошқа географик хусусиятлари билан бир биридан кескин фарқ қилади. Масалан, худуди бўйича энг катта Қўнғирот (74,5 минг кв км) ва энг кичик Тахياتош (0,2 минг кв км) тумани ўртасидаги фарқ ёки худуднинг “географик” коэффиценти 372,5 га тенг. Бунинг маъноси Қўнғирот тумани Тахياتошдан 372,5 баробарга катта. Агар ушбу усулни республикада чорва молларининг бош сони бўйича таққослайдиган бўлсак, йирик шохли қорамоллар энг кўп Амударё тумани (165,8 минг) ва энг кам Тахياتош тумани (24,5 минг) ўртасидаги “географик” коэффицент 6,8 га тенг бўлса, экин майдонлари бўйича энг кўп Чимбой тумани (41,2 минг га) ва энг кам Тахياتош тумани (6,8 минг га) ўртасидаги ушбу коэффицент 6,1 ни ташкил этади.

Демак, Қорақалпоғистон кишлоқ туманлари орасида бундай катта географик тафовутларнинг мавжудлиги уларни йирик шохли қорамоллар ва экин ерлари улуши нисбатида ифодаланувчи соҳанинг ривожланганлик индексини аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлади. Бунда нормал ривожланиш индекси 1,00 га тенг бўлади. Ушбу индекс 1,00 дан катта бўлса, шу туманларда соҳанинг сиғимлилик даражаси юқори, агар кўрсаткич 1,00 дан кичик бўлса, унда мазкур туманларда мазкур соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга эканлигини англатади.

**3-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида йирик шохли қорамолчилик
соҳасининг ривожланганлик индекси**

№	Маъмурий бирликлар	Йирик шохли қорамоллар		Экин ерлари майдони		Соҳанинг Ривожланганлик индекси
		Минг бош	Улуши (%)	Минг га	Улуши (%)	
1	Амударё	165,8	14,1	32,5	7,8	1,82
2	Беруний	161,1	13,7	28,9	6,9	1,98
3	Бўзатов	37,9	3,2	14,6	3,5	0,92
4	Қораўзак	38,9	3,3	32,4	7,7	0,43
5	Кегейли	53,7	4,6	25,1	6,0	0,76
6	Қўнғирот	68,9	5,9	38,7	9,2	0,63
7	Қонлиқўл	34,8	3,0	32,9	7,9	0,38
8	Мўйноқ	29,3	2,5	8,5	2,0	1,23
9	Нукус	39,1	3,3	22,9	5,5	0,61
10	Тахياتош	24,5	2,1	6,8	1,6	1,29
11	Тахтақўпир	45,1	3,8	32,7	7,8	0,49
12	Тўртқўл	133,7	11,4	25,7	6,2	1,85
13	Хўжайли	58,2	4,9	19,8	4,7	1,05
14	Чимбой	81,1	6,9	41,2	9,9	0,70
15	Шўманай	64,5	5,5	26,8	6,4	0,86
16	Эллиқалъа	130,1	11,1	28,7	6,9	1,62
17	Нукус шаҳри	9,1	0,8	0,4	0,1	8,08
		1175,9	100,0	418,5	100,0	1,00

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистик бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3-жадвал тахлиллари натижаларидан келиб чикиб, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ туманларини йирик шохли қорамолчилик соҳасининг ривожланганлиги индекси бўйича қуйдаги иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

- Амударё, Беруний, Мўйноқ, Тахиатош, Тўрткўл, Хўжайли ва Эллиқалға туманлари;
- Бўзатов, Қораўзак, Кегайли, Қўнғирот, Қонлиқўл, Нукус, Тахтақўпир, Чимбой ва Шуманай туманлари.

Биринчи гуруҳдаги қишлоқ туманларида шартли индекс 1,00 дан юқори. Бунинг иккита сабаби мавжуд бўлиб, мазкур туманларда йирик шохли қорамоллар бош сони кўп ёки экин майдонлари нисбатан кам. Статистик маълумотларга қараганда биринчи гуруҳ таркибига кирувчи Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Эллиқалға туманларида бундай турдаги чорва молларининг бош сонига (50,2 фоиз) нисбатан экин ерлар кам (27,7 фоиз). Ушбу нисбат Мўйноқ, Тахиатош ва Хўжайли туманларида умуман фарқ қилади (9,5 ва 8,4 фоиз). Умуман олганда, мазкур гуруҳга республикадаги йирик шохли қорамолларнинг 59,7 фоизи, экин майдонларининг эса 36,1 фоизи тўғри

келади. Демак, бу турдаги чорва моллари ва экин ерлари ўртасидаги “географик” коэффициент 1,65 га тенг.

Иккинчи гуруҳдаги қишлоқ туманларида шартли индекс 1,00 дан кам. Ушбу гуруҳга Қорақалпоғистондаги йирик шохли қорамолларнинг 39,5 фоизи, экин ерларининг эса 63,8 фоизи тўғри келади. Ушбу иккита омил ўртасидаги “географик” коэффициент 0,62 га тенг.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, иккинчи гуруҳда асосан шимолӣ ва қисман марказий минтақада жойлашган қишлоқ туманлари жойлашган бўлиб, уларда гўшт ва сўт йўналишидаги чорвачиликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлар аввало ем-хашак экинларини етиштириш учун кенг экин майдонларининг мавжудлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, сўнгги йилларда сув ресурслари танқислигини инобатга олиб, мазкур туманларда экин майдонлари таркибини сувни кам талаб этадиган ем-хашак экинларига алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Embergenov N., Joldasov A., Oteuliev M. [Some issues of development of livestock sectors in the Republic of Karakalpakstan](#). - Экономика и социум, 2020.
2. Турдимамбетов И.Р., Жолдасов А.С. Қорақалпоғистон Республикасида яйлов чорвачилигини ривожлантириш масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 1-қисм. –Самарқанд: 2023, 12-13 май.
3. Умаров Е.К. Проблемы совершенствования территориальной структуры производительных сил Республики Каракалпакстан. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. док. геогр. наук. – Т.: 2003. –С. 48.
4. Жолдасов А. Пастбищное животноводство Республики Каракалпакстан и особенности его развития. Журнал "Экономика и социум" №3(106)-2 2023.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикасида қорамол чорвачилигининг ривожланиш динамикаси ва унинг ҳудудий ташкил этилиши масалалари тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается динамика развития животноводства и его территориальная организация в Республике Каракалпакстан.

SUMMARY. In this article, the development dynamics of cattle breeding in the Republic of Karakalpakstan and issues of its territorial organization are studied.

ТОҒАЙ ҲАМ ЕГИСЛИК ЭКОСИСТЕМА ТЕРРИТОРИЯСЫНДА ТАРҚАЛҒАН МАЙДА КЕМИРИЎШИЛЕРИНИНГ ИЗЕРТЛЕНИЎ ДЭРЕЖЕСИ

Г.Ж.Палъанова – ассистент оқытыушы

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: Бадай тўқой, Бекбай, Шуқой, Самонбой, Қрантоғ, Қазан кеткан-Порлутув тўқой экосистемаси, Ядро зонаси, Буфер зонаси.

Ключевые слова: Бадай тугай, Бекбай, Шокай, Саманбай, Қрантау, Казанкеткен-Порлытау тугай экосистема, ядро зоны, буферная зона

Key words: Baday forest, Bekbay, Shokhay forest, Samanbay, Qrantaw, Kazan-Gon-Borlitaw forest ecosystem, Nuclear zone, Buffer zone.

XX асирдин ақырында Жер шары халқы санының тезлик пенен өсиуи, олардың энергияға болған талапларының артыуы менен тәбият ресурслары ортасындағы дезбаланс нәтийжесинде пайда болған глобал экологиялық кризис жүзеге келди.

Буннан былайғы тәбиятты бағындырыу, яғный адам менен биосфера ортасындағы қарым-қатнас муўапықсызлығы үлкен экологиялық машқаласы, яғный биологиялық көп түрликтиң қысқарыуына, өсимлик қапламы майданының тарайып, шөлистанға айланыуының кеңейуине, жер үсти суўларының кемейуине, жер асты грунт суўларының төменлеуине, жер бетинен бир пүтин экосистемаларының жоқ болып кетиуине, атмосфера хаўасының бузылыуына, онда углекислый газ муғдарының артыуына, техноэволюцияның тезлиги биоэволюциядан тез болыуына алып келмекте. Оған мысал етип 200 жыл (1600-1800жж) адам жәрдемінде 33 түр хәм киши түр сүт емизюшлерининг жоқ болып кеткенин айтыуға болады хәм ол даўам етпекте.

2004-жыл 17-ноябрьде Бангкогта (Тайланд) “Жасыллар”, (“Зеленыйлар”) аты менен өткерилген форумда жақын 50 жылда жер бетинде 12000 фауна хәм

флора набыт болатуғынлығы күтилмекте, ал ол бүгинги жер бетиндеги фауна, флораның 30% не тең (WWW.kotmur Spb.ru) екенлиги айтылған. Соның ушын да дүнья жәмәәтшилиги қоршаған орталықты сақлап қалыуға тийкарланған турақлы раўажланыуға өтиуине тийкарланып биологиялық хәр түрликти сақлап қалыуды хәм оны пүтин ҳалында келешек әўладқа қалдырыу принципін қоллап куўатлайды.

XX асирдин 1960-1970-жыллары биологиялық көптүрликти қорғауға арналған планета тәбиятын қорғау теориясының тийкары болған биологиялық көптүрликти қорғау илимий билимин нәсиятлау концепциясын пайдаланыуды қоллап-қуўатлау мақсетинде новаторлық концепция сыпатында дүнья жүзлик миллий парк, қорықхана, биосфералық резерват хәм қорғалатуғын территория аўқамын дүзиу арқалы адам менен тәбият ортасында унамлы қатнасты жолға қойыу мәселесин шешиу ортаға тасланды, хәм оны басқарыу органы Хүкимет аралық, бир тәртипте жұмыс алып баратуғын ЮНЕСКО программасы “Адам хәм биосфера” координационалық орган шөлкемлестирилди. Оның дүзилюи 1970-жылы ЮНЕСКО Бас генеральный конференциясында қоллап